# Ш А Р Т Н О М А № 6

« 16 05 2022 йил Андижон шахар
(Шартнома тузилган жой номи)

**"ООО Султан Мед Клиникс"** кейинги ўринларда матнда «Хизмат курсатувчи» ўз Низомига мувофик иш юритувчи корхона рахбари **З.Султанов** бир томондан ва бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритиладиган, **Андижон вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази** ўз Низомига мувофик иш юритувчи ташкилот рахбари **Н.Норматов** иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИ МОХИЯТИ

1.1. « Хизмат курсатувчи» мазкур шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган махсулот (иш хизмат) ларни сотади, «Буюртмачи» эса олган махсулот (иш хизмат) кийматини «Хизмат курсатувчи» нинг банкдаги тегишли хисоб-ракамига мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган тартибда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади, ўз навбатида махсулотлар (иш хизмат) ни (бундан буён матнда махсулот деб юритилади) ни кабул килиб олади.

1.2. « Хизмат курсатувчи » қуйидаги махсулот билан таъминлайди:

| Т.р. | Бажарилган иш ва хизматлар урнатилган эхтиёт кисмлар | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Умумий киймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Моноблок 24 дюм экран 8 тб HDD хотира Core i5 L тош 256 SSD симсиз сичконча ва клавиатура хамма туплам бир хил логотип брендда булиши керак | Комплект | 15 | 6550000 | 98250000 |
| | **ЖАМИ** | | | | **98 250 000** |

1.3. Шартноманинг умумий суммаси **98 250 000** (туксон саккиз миллион икки юз эллик минг) сум
(Сумма суз билан)
сўмни ташкил қилади.

1.4 Махсулотлар "Олувчи"нинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда кабул килиб олингандан сўнг, махсулотга эгалик хукуки "Буюртмачи"га ўтади.

## II. МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. "Хизмат курсатувчи" етказиб бериладиган махсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

## III. ЖЎНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1 Етказиб берилиши керак бўлган махсулот (иш хизмат) нинг ассортименти, микдори хамда таъминот муддатларини «Буюртмачи» мустакил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос бўлган танлов (тендер) савдоси ташкил этилган комиссия баённомасида кўрсатилган ёки комиссия томонидан қўйилган шартлардан келиб чиккан холда белгилайди.

3.2 "Хизмат курсатувчи" томонидан махсулот (иш хизмат) лар етказиб берилмай колганда, етказиб берилмаган микдордаги махсулот (иш хизмат) ни, 5 кун муддат ичида ёки «Буюртмачи» билан келишилган холда шартнома амал килиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кўзда тутилган махсулот (иш хизмат) ларга қўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.3 "Хизмат курсатувчи" томонидан етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган махсулот (иш хизмат) ларни «Буюртмачи» учун огохлантирилган холда қабул килмаслик хуқуқига эга.

3.4 "Хизмат курсатувчи" томонидан етказиб берилган махсулот (иш хизмат) лар сифати махсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик холатларида етказиб «Буюртмачи» куйидаги талабларни қўйиш хукукига эга:

- Харид нархларни (етказиб берилган сифатсиз махсулот (иш хизмат) лар киймати билан сифатли махсулотлар киймати ўртасидаги фарк) га камайтириш,
- Сифатсиз махсулот (иш хизмат) ларни "Хизмат курсатувчи" хисобидан сифатли махсулот (иш хизмат) ларга 5 кун муддатда алмаштириб бериш.

3.5 Агар "Хизмат курсатувчи" мазкур шартномада белгиланган микдордаги махсулот (иш хизмат) ни етказиб бермаслик ёки «Буюртмачи»нинг сифатсиз махсулот (иш хизмат) ларни алмаштириб бериш хакидаги талабларини белгиланган муддатларда бажармаса, «Буюртмачи» шартномани бекор килиш хукукига эга.

## IV. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Етказиб бериладиган махсулот (иш хизмат) лар бахоси «Буюртмачи» ёки унинг юкори ташкилоти томонидан ўтказилган танлов савдосига такдим этилган таклифларда кўрсатилган бахолардан ошиб кетмаслиги шарт.

4.2. Буюртмачи махсулот (иш хизмат) учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 24 августдаги № 241 сонли карорига асосан 30% тўловни олдиндан пул ўтказиш йўли билан 15 кун ичида амалга оширади, колган 70% сумма бажарувчи томонидан махсулот (иш хизмат) етказиб берилган кундан бошлаб 25 кун ичида тулик туланиши лозим.

4.3 «Буюртмачи» томонидан 30% ли олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг таъминотчи 5 кун ичида махсулот (иш хизмат) ни етказиб бериш мажбуриятини олади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасиниг 1998 йил 29 августдаги № 670-I сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий–ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талаблари доирасида мулкий жавобгардирлар.

5.2 "Бажарувчи"нинг хисоб рақамига 30% тулов тушгандан сунг ўз вактида «Буюртмачи» талабларига кўра махсулотларни етказиб бермаса хар бир кечиктирилган кун учун махсулот нархининг етказиб берилмаган суммасини 0,5 % микдорида пеня тулайди, лекин ушбу сумманинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.3 «Буюртмачи» махсулот (иш хизмат) учун туловни ушбу шартномани 1.2 бандида белгиланган тартибда амалга оширмаса кечиктирилган суммадан 0.4% пеня тулайди, лекин шартномани туланмаган кисмининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

## VI. ФОРС МАЖОР

6.1. Мазкур шартномани мажбуриятларини бажармасликка бошқа сабаблар, яъни табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар, ишлаб чиқариш ускуналарини носозлиги, экспорт – импорт операцияларни тақиқланиши таъсир этса шартнома муддатлари ўзгартирилиши мумкин.

6.2. Томонлар форс-мажор холати юз берганда бир-бирларига дархол хабар беришлари шарт.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Шартномада назарда тутилмаган холатлар буйича томонлар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлар буйича жавобгар буладилар.

7.2. Ушбу шартнома юзасидан вужудга келган низолар томонларнинг узаро келишуви асосида хал килинади, ёки Хужалик суди оркали хал этилади.

## VIII. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш томонларни ёзма келишувлари билан амалга оширилади.

8.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифни олган томон таклифни олган кундан бошлаб 10 кун ичида бошқа томонга ёзма жавоб беришга мажбур. Шу муддатда жавоб олмаган холда ёки қониқарсиз жавоб олганда манфаатдор томон шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича хужалик судига мурожаат қилишга хакли.

## IX. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома тегишли Ғазначилик органидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал килади.

9.2. Шартнома икки нусхада тузилган булиб,хар икки нусха бир хил юридик кучга эга.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**« ОЛУВЧИ »**

Андижон ВБКТТМ
Манзил: Андижон шахар Фуркат №;5
СТИР: 200236887
Ш/хр:100021860034017073101054001
Марказий банк Тош.ш.бош бошкармаси ХККМ
Узбекистон Республикаси молия вазирлиги
Ғазначилик бошкармаси
Газна х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО:00014 СТИР:201122919

**Рахбар:**______________________

Хуқуқшунос: ____ С. Камбаров

**«ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ»**

**ООО Султан Мед Клиникс**
(Етказиб берувчининг номи)

Манзили: Андижон шахар
Тел./факс: 93 449-49-49
х/р: 20208000600501087001
СТИР: 307483368 МФО:00083
«ХАМКОРБАНК» АТБ

Рахбар: **З.Султанов**
ФИО